

8-1-2020

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF TAX CONTROL IN ORDER TO INCREASE THE COLLECTION OF TAXES

U. Berdiyeva PhD
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Berdiyeva, U. PhD (2020) "DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF TAX CONTROL IN ORDER TO INCREASE THE COLLECTION OF TAXES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PhD У.А.Бердиева
Тошкент молия институту

СОЛИҚЛАР ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминловчи, унинг таркибига кирувчи тизимости бўғинлардан бири солиқ назорати сифатини ошириш йўналишлари, солиқ назоратида таваккалчиликка асосланган ёндашувнинг ҳаракатлар схемаси, солиқ назоратида фойдаланиш мақсадида таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) фаолият юритиш тартиби масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: солиқлар, солиқлар йиғилувчанлиги, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ назорати, солиқ назорати сифати, солиқ таваккалчилиги, солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизими.

НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В ЦЕЛЯХ ПОВЫШЕНИЯ СОБИРАЕМОСТИ НАЛОГОВ

В статье рассмотрены пути повышения качества налогового контроля, которая входит в состав подсистемных звеньев, обеспечивающих эффективную деятельность налогового администрирования в стране, схема действий рискоориентированного подхода в налоговом контроле, вопросы функционирования системы оценки рисков с целью использования в налоговом контроле (СОПНК).

Ключевые слова: налоги, собираемость налогов, налоговое администрирование, налоговый контроль, качество налогового контроля, налоговые риски, система оценки налоговых рисков.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF TAX CONTROL IN ORDER TO INCREASE THE COLLECTION OF TAXES

The article discusses ways to improve the quality of tax control, which is part of the subsystem units that ensure the effective functioning of tax administration in the country, the scheme of actions of the risk-based approach in tax control, the functioning of the risk assessment system for use in tax control (SORNK).

Keywords: taxes, tax collection, tax administration, tax control, quality of tax control, tax risks, tax risk assessment system.

Кириш

Жаҳон солиқ амалиёти тасдиқлашича, солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг диққат марказида - солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масаласи ётмоқда. Мазкур жиҳат солиқлар йиғилувчанлигини оширишга оид амалиётнинг самарали тадбирларига жиддий

этибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасида замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими модернизацияси ва самарали солиқ маъмуриятчилигининг шаклланиши, унинг таракқиёти иқтисодиёт равнақи учун муҳим механизм эканлиги солиқ тизимидаги шиддатли ислохотларнинг боришини, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашнинг аҳамиятини белгилайди [1]. Умуман, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги талаблар асосида солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон солиқ амалиётида солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқлар йиғилувчанлигини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш йўналишлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда солиқлар йиғилувчанлиги ҳолатининг юқори даражаси солиқ ахлоқи ва маданиятининг юқорилиги ҳамда солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқаларида иқтисодиётда солиқ юқининг юқорилиги, самарасиз имтиёзлар ва солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги боис солиқлар йиғилувчанлиги ҳолатининг паст даражаси мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган масалалар солиқлар йиғилувчанлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни чуқур илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган давлат тадбирлари таркибида солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда ижро этишни рағбатлантиришга алоҳида этибор қаратилмоқда. Хусусан, “Солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш - иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш” [2] нинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Ҳозирда солиқ юқини оширмаган ҳолда солиқ базасини кенгайтириш орқали солиқлар йиғилувчанлигини кўтариш, хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқлар йиғилувчанлигини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш каби самарали тадбирлар аҳамиятининг ошганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган солиқ амалиётини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида солиқ назорати сифатини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” [3] ги, 2019 йил 26 сентябрь ПФ-3857-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [4] ги Фармонлари, 2018

йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [5] ги, 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [6] ги ПҚ-4389-сонли Қарори ва у асосида “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси“, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари муҳим ҳуқуқий-меъорий асос ҳисобланади.

“Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинган, солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “даромадларни легаллаштириш ва “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш”, солиқ муносабатларида “солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг “ҳамкорликда ўсиш”га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш”, “солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим” [7].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда солиқ йиғилувчанлигига таъриф берилмаган ҳамда солиқ йиғилувчанлигини аниқлаш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий адабиётда солиқ йиғилувчанлигини таърифлашда ягона ёндашув йўқлигини кўришимиз мумкин. Солиққа тортиш амалиётига оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишларида солиқлар йиғилувчанлиги мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда.

Каролла Пессино, Рикардо Феночьетто таъкидлашларича, “Солиқ йиғилувчанлиги мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида корхона солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги молиявий имкониятлари истиқболларидир” [8].

Жорж Чун-Ян Куо фикрича, “Солиқлар йиғилувчанлиги ҳозирги замон шароитида давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши. Бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозим” [9].

П.М. Муталимова, В.К. Гираев қарашларига кўра, “Солиқнинг фискал функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи. Мазкур тушунчани амалдаги қонунчилик асосида белгиланадиган солиқ мажбуриятларининг бажарилиш тўлиқлиги сифатида ишонарли таърифлаш ва маълум даврда солиқ мажбуриятлари миқдorigа келиб тушадиган солиқ тўловлари миқдори нисбати тарзида ифодалаш мумкин” [10].

Н.Х. Хайдаровнинг фикрича, “Солиқлар йиғилувчанлиги – бюджет даромадлари бир маромда шаклланишининг муҳим асоси” [11].

Ф.И.Мирзаевнинг таъкидлашича, “Солиқлар йиғилувчанлиги даражаси солиқ тизимини ташкил этишнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири” [12].

Х.Кобулов қарашича, “Солиқларнинг йиғилувчанлиги бюджетга солиқ тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминлашнинг қай даражада эканлигини билдиради. Маълумки, солиқ тушумларининг миқдори ҳар йили давлат бюджети даромадлари режалаштирилаётган вақтда аниқланади. Бу жараён молиявий режалаштиришнинг аниқлилик даражасига боғлиқ бўлади” [13].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, уларнинг манзилли бўлишини таъминлаш, энг асосийси хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ҳамда солиқ таваккалчиликларини бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, солиқ хизмати органлари ўзларининг фаолиятлари давомида солиқ таваккалчиликларини бошқариш заруратига тўқнаш келадилар, бу ўз навбатида солиқ тизимининг барча даражаларида таваккалчилик бошқарувининг самарали жараёнларини яратишни тақозо этади.

Хорижий давлатларнинг солиқ идоралари томонидан фискал аҳамияти бўйича таваккалчиликларни мақбуллаштириш, тартиблаш ва баҳолаш учун турли ёндашувлардан фойдаланилади. Биз томонимиздан амалга оширилган таҳлил шундан далолат берадики, алоҳида давлатларнинг солиқ органлари томонидан тизимли ва комплекс асосда таваккалчиликларни солиқ мониторингидан ўтказилади.

Энг аввало, солиқ таваккалчиликларини бошқариш тушунчасининг замонавий таърифларидан бирига тўхталсак, “солиқ таваккалчиликларини бошқариш” – бу ижобий ёки салбий натижа келиб чиқишини прогнозлаш ва таваккалчилик даражасини олдиндан пасайтиришга чора кўришдир. Солиқ таваккалчилиги молиявий йўқотишларни ифодаловчи эҳтимолий кўрсаткичлар билан аниқланади [14].

Солиқ таваккалчиликларини бошқариш деганда – ижобий ёки салбий натижани бўлишини прогнозлаш ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга қаратилган чораларни олдиндан қўллаш тушунилади [15].

Солиқ таваккалчиликларини самарали бошқаришни ташкил этиш учун солиқ таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш, уларга таъсир этиш, яъни камайтириш чора-тадбирларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса солиқ қонунчилигидаги мунозарали ҳолатлари ўрганиб чиқиш, мавжуд таваккалчиликлар мониторингини олиб бориш, таваккалчиликларнинг таснифланиши ва уларнинг оқибатларини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида Ўзбекистонда содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича таҳлилини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистонда содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича таҳлил[16]

Солиқ таваккалчиликларини тўғри бошқаришда корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда уларда фаолият кўрсатувчи бухгалтерларнинг мавжудлиги ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги жадвал маълумотларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони, уларнинг раҳбари ва ҳисобчиси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Республика бўйича фаолият юритаётган юридик шахсларнинг раҳбари
ва ҳисобчиси тўғрисида маълумот[17]**

Худуд номи	Юридик шахслар сони	Раҳбари ва ҳисобчиси алоҳида жисмоний шахс бўлган юридик шахслар сони	Раҳбари бор ҳисобчиси йўқ юридик шахслар сони	Раҳбари ва ҳисобчиси бир жисмоний шахс бўлган юридик шахслар сони
Андижон вил.	25 628	13 059	9 021	3 548
Бухоро вил.	20 817	10 541	7 220	3 056
Жиззах вил.	19 294	6430	8 082	4 782
Қашқадарё вил.	31 102	18 362	10 279	2 461
Навоий вил.	11 773	5 961	5 328	484
Наманган вил.	22 107	9 631	7 117	5 359
Самарқанд вил.	38 742	24 849	8 970	4 923
Сухондарё вил.	20 510	12 348	5 834	2 328
Сирдарё вил.	12 004	3 399	5 246	3 359
Тошкент ш.	53 068	17 878	25 984	9 206
Тошкент вил.	35 342	15 677	17 207	2 458
Фарғона вил.	31 639	20 251	5 975	5 413
Хоразим вил.	19 848	12 092	4 611	3 145
Қорақалпоғистон Р.	16 685	8 093	6 009	2 583
Жами	358 559	178 571	126 883	53 105

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш натижасида республикада фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг 49,8 фоизигина раҳбари ва ҳисобчиси алоҳида жисмоний шахс бўлган юридик шахслар эканлиги маълум бўлди. Таҳлиллардан кўриш мумкинки, раҳбари бор ҳисобчиси йўқ юридик шахслар, шунингдек ҳам раҳбари ҳам ҳисобчи битта жисмоний шахс бўлган корхоналар улуши 51,2 фоизни ташкил этиши корхоналарда солиқ ва молиявий ҳисоботлардаги камчиликларни ва солиқларни бошқаришдаги хатоларни кўпайишига ҳамда корхоналарга молиявий йўқотишларни юзага келтиришига олиб келади.

Мамлакатимизда солиқ таваккалчиликларини самарали бошқаришни таъминлаш бўйича қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш, бизнинг фикримизча, ўзининг ижобий натижасини беради:

1. Ҳар бир молия йилининг охирида солиқ қонунчилигига кўплаб ўзгаришлар киритилиши натижасида молия йилининг биринчи чорагида солиқ хатолари ва солиқ таваккалчиликларининг юзага келиши кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг олдини олиш учун давлат бюджети параметрларини кучга кириш муддатидан камида олти ой олдин матбуотда эълон қилинишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ахборотларни ошкор этиш бўйича комплекс чоралар кўрилиши ҳамда солиқ идораларининг ташкилий тузилмаси ва асосий функциялари солиқ таваккалчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни муносиб бошқариш ҳисобланган солиқ мониторинги махсус бўлинмаларини ташкил этилиши давлат солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга имкон беради.



2- расм. Солиқ назоратида таваккалчиликка асосланган ёндашувнинг ҳаракатлар схемаси[18]

Таваккалчиликка асосланган ёндашувдан амалиётда фойдаланиш имкониятларига илмий-назарий қарашларни умумлаштириш шундай хулоса қилишга имкон беради: солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан ўрнатилган қаттиқ нормаларнинг кучайтирилиши, одатда, солиқ назорати мақсадларига эришишда акс самарага олиб келади, солиқдан кочиш ёки солиқ базасини яшириш учун имкониятнинг юзага келиши, адолатлиликнинг бузиб талқин этилиши, шахсий ва ижтимоий нормаларни бажаришнинг бирламчилиги.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш мақсадида солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ)ни шакллантириш, унинг вазифаларини асослаб бериш, унинг фаолияти схемасини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тизимнинг асосий вазифаси – солиқ тўловчилар фаолиятида доимий асосларда юзага келувчи таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва идентификациялаш бўйича умумий маълумот базасини шакллантириш ҳисобланади. Унинг амалиётга қўлланилиши пул оқимлари ҳаракатланишини назорат қилувчи барча фискал органларнинг комплекс тарздаги ҳамжиҳат ҳаракатини ҳисобга олган солиқ маъмуриятчилиги ва мониторингида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) қуйидаги асосий масалалар бўйича аниқлаштирилган маълумотларни бера оладиган солиқ назоратига бириктирилган муҳим жараён ҳисобланади:

-бозорнинг турли сегментларида солиқ назоратидан бўйин товлаш билан боғлиқ бўлган солиқ қонунчилиги бузилиши ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар хусусияти ва кўлами;

-таваккалчиликларни дастлабки босқичидаёқ аниқлаш ва ҳудудлар маҳаллий бюджетларидаги муаммоларни ҳал этишга имкон берувчи бозорнинг тармоқ ва ҳудудий сегментлари кесимида хуфиёна бизнес билан курашиш бўйича амалда бўлган тадбирларнинг камчиликлари;

-солиқни тўлашдан бўйин товлаш схемаларида иштирок этувчи учинчи шахслар орқали солиқ тўланмаслиги ва капиталнинг четга олиб чиқиб кетилиши белгиларини ҳисобга олган ҳолда фаолияти иқтисодиётга энг катта зарар келтириши мумкин бўлган йирик солиқ тўловчиларга оид хусусиятлар.

Солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш миллий тизими (СНТБТ) фаолияти схемаси 3-расмда акс этирилган.

Солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) амал қилиши доирасида фискал ва назорат органларининг ўзаро ҳамжиҳат фаолияти тартиби молиявий бозорнинг тартибга солувчиси Молия вазирлигининг, ҳуқуқни муҳофазалаш органларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг, Давлат божхона қўмитасининг мажбурий иштирокини талаб этади.

Мазкур органлар фаолияти Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини белгиловчи давлат норматив актлари, буйруқ ва фармойишлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Молиявий назорат
органлари

СНТБТ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар. Божхона
органлари

Солиқ назоратини амалга оширишда таваккалчиликларни таҳлил қилиш асосидаги бошқариш тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш; таваккалчилик юзага келишига олиб келган сабаб ва шароитларни таҳлил қилиш; таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимида таваккалчиликларни назорат қилиш; солиқ органлари томонидан таваккалчилик турларини қўллаш натижалари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва таҳлил этиш; ДСҚ ходимларини хизмат фаолиятида таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизими амал қилишини ташкил этиш, жорий қилиш ва таъминлаш.

Солиқ назоратидан бўйин товлаш билан боғлиқ бўлган солиқ қонунчилиги бузилиши ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатларни умумлаштириш.

Солиқ тўловчиларнинг горизонтал
мониторинги тизимини яратиш

Солиқ тўловчилар солиқ тарихи
базасини яратиш

Солиқ тўловчилар фаолиятини
баҳолаш индикаторларини яратиш

3-расм. Солиқ назоратида фойдаланиш мақсадида таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) фаолият юритиш тартиби[19]

Солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) фаолиятида якуний босқич - фискал органлар амалий фаолиятида солиқларни тўлаш, солиқни тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш учун солиқ назоратининг инновацион механизмларини жорий этиш ҳисобланади ва у қуйидагиларга имкон беради:

- солиқ тўловчилар горизонтал мониторингини ўтказиш усулларини мақсадга йуналтириш;

-таваккалчиликка-асосланган ёндашувдан фойдаланиш мақсадида солиқ тўловчилар хулқига оид тавсифлари билан боғлиқ асосий таваккалчиликларни идентификациялаш;

-солиқ тўловчилар кесимида солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўланганлиги ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун кредит тарихи

маълумотлар базасининг аналогич тарзида Ўзбекистон Республикасида солиқ тарихи ягона базасини яратиш учун асосни шакллантириш;

-назорат ва текширув тадбирларини амалга ошириш мақсадида солиқ рискларини илгаридан аниқлашнинг илк баҳолаш индикаторларини умумлаштириш.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши солиқ текширувлари юзасидан харажатларни камайтиришни ва давлат солиқ хизмати органларига бўлган ишончнинг ортишини таъминлайди.

Жумладан, давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 5 октябрда 3075-сон билан рўйхатга олинган “Давлат солиқ хизмати органларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини таҳлил этиш тизими давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий этилган "Таҳлика-таҳлил" дастурий маҳсулоти орқали тадбиркорлик субъектларида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини автоматик тарзда инсон омили аралашмаган ҳолда таҳлил қилишни амалга оширади.

Хулоса ва таклифлар

1. Солиқ йиғилувчанлиги солиқ мажбуриятнинг ижро этилиши ҳолатини баҳолаш кўрсаткичи бўлиб, бу солиқ маъмуриятчилиги фаолиятининг бош мезонларидан ҳисобланади. Шу боисдан мамлакатда солиқ маъмуриятчилиги ривожланиш даражаси ва солиқлар йиғилувчанлиги даражаси кўрсаткичларининг тўғри пропорционал боғланишда эканлигини таъкидлаш мумкин;

2. Солиқ амалиётимизда ҳозирда мавжуд бўлган тизимли муаммолар яқин истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган зарур тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди ва уларни ҳал этиш, аввало, солиқ солиш механизминини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигида замонавий усулларни қўллаш орқали солиқ солиш базасини кенгайтириш ва солиқлар йиғилувчанлик даражасини таъминлайди.

3. Таваккалчиликка асосланган ёндашувдан амалиётда фойдаланиш имкониятларига илмий-назарий қарашларни умумлаштириш шундай хулоса қилишга имкон беради: солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан ўрнатилган қаттиқ нормаларнинг кучайтирилиши, одатда, солиқ назорати мақсадларига эришишда акс самарага олиб келади, солиқдан кочиш ёки солиқ базасини яшириш учун имкониятнинг юзага келиши, адолатлиликнинг бузиб талқин этилиши, шахсий ва ижтимоий нормаларни бажаришнинг бирламчилиги.

4. Солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) амал қилиши доирасида фискал ва назорат органларининг ўзаро ҳамжиҳат фаолияти тартиби молиявий бозорнинг тартибга солувчиси Молия вазирлигининг, ҳуқуқни муҳофазалаш органларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг, Давлат божхона қўмитасининг мажбурий иштирокини талаб этади.

5. Солиқ назорати сифатини ошириш учун таваккалчиликларни баҳолаш тизими (СНТБТ) фаолиятида якуний босқич - фискал органлар амалий фаолиятида солиқларни

тўлаш, солиқни тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш учун солиқ назоратининг инновацион механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 33-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрь ПФ-3857-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарори ва у асосида “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”.

7. Азизов У.Ў. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 6-б.

8. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1061951816300015>

9. Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34p.

10. П.М Муталимова, В.К.Гираев Урегулирование налоговой задолженности: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2012. №22 (220). – с. 190-194; Комплексный подход к урегулированию налоговой задолженности // Казанская наука. 2013. №3. - с. 44-46

11. Хайдаров Н.Х. Солиқлар йиғилувчанлигини оширишда замонавий солиқ назоратининг тутган ўрни. «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор

йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 48- б.

12. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражаси учун диссертация. Т.: Банк-молия академияси, 2012, 14-б.

13.Кобулов Х. Солиқларнинг йиғилувчанлиги зарур даражасини таъминлаш – мамлакат солиқ тизими тараккиётида муҳим омил. Солиқ солиш базасини кенгайтириш ва худудларнинг солиқ салоҳиятини оширишда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция тезислар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Малака ошириш маркази, Т.: 2019, 56- б.

14.Кирина Л.С. Международный опыт осуществления мониторинга налоговых рисков налоговыми органами. Экономика. Налоги. Право. М.: «Юрайт», 2012. с. 130-133.

15.<https://www.scopus.com> Elsevier's abstract and citation database.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

18. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

19. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.